

2-25-2020

HISTORY OF CREATING FIRST BILINGUAL AND REGULATORY EDUCATIONAL DICTIONARIES IN UZBEK LANGUAGE

Bashorat Bahriddinova Ma'diyevna

Head of the Department of Uzbek Linguistics, Karshi State University, Candidate of Philological Sciences

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

Ma'diyevna, Bashorat Bahriddinova (2020) "HISTORY OF CREATING FIRST BILINGUAL AND REGULATORY EDUCATIONAL DICTIONARIES IN UZBEK LANGUAGE," *Scientific reports of Bukhara State University*. Vol. 4 : Iss. 1 , Article 16.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol4/iss1/16>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Бу жавобнинг ўзидан муаллиф ўқувчининг кўз олдига тасвирламоқчи бўлган манзарани олиб келади. Ва бу билан энг зарур ишлар шулар эканлигини, булардан сўнг бошқаларини бажариш лозимлиги ифодалайди. Энди бу ишни қандай, ким билан, қачон бажариш қахрамонга ҳавола қилинади. Бу ҳам, албатта, ёзувчининг маҳорати ва она тилимиз бойлигидир.

Тўлиқсиз гапларнинг қўшма гап ва унинг турлари таркибида қўлланиши ўзбек олимлари томонидан қисқа тарзда кўрилган. Таҳлиллар кўрсатадики, улар бу гапларда қўлланиши диалогик ёки монологик матнлардаги турларидан айтайлик фарқланмайди. Шунинг назарда тутиб, уларни алоҳида ўрганиш такрорни келтириши мумкинлиги қайд этилиши лозим. Умуман, ўзбек тилидаги каби бошқа тилларда ҳам бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин ва уларни турли тизимли тилларда қиёсий ўрганилса, келгусида илмий тадқиқотлар учун бу манба бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Боровков А., Маъруфов З., Абдуллаев Й. ва б. *Ўзбек тили дарслиги. II қисм. Синтаксис.* – Т.: “Ўрта ва олий мактаб” давлат нашриёти, 1962.
2. *Ҳозирги замон ўзбек тилишунослиги. Синтаксис.* – Т., 1961.
3. *Ўзбек тили грамматикаси. II том.* – Т., 1976
4. Киссен И.А. *Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков (фонетика, морфология, синтаксис, лексика).* – Ташкент, 1938.
5. Қурбонова М. *Ҳозирги замон ўзбек тили. Содда гап синтаксиси учун материаллар.* – Т.: Университет нашриёти, 2001
6. Қурбонова М. ва б. *Ўзбек тилининг структурал синтаксиси.* – Т.: Университет, 2014
7. Сайфуллаева Р. ва б. *Ҳозирги ўзбек адабий тили.* –Т., Мумтоз сўз. 2010
8. Бобоева А. *Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз гаплар.* – Т., 1978.
9. Бобоева А. *Тўлиқсиз гапнинг тўлиқлиги//Ўзбек тили ва адабиёти, 1967,44-46-б.*
10. Лутфуллаева Д.Э., Шадманов Э. *Слова-предложения в современном узбекском языке.* – Т., 1970.
11. Сафаев А. *Главные члены простого предложения в современном узбекском языке.* – Т., 1958.

УДК: 811.512

ЎЗБЕК ТИЛИДА ДАСТЛАБКИ ИККИ ТИЛЛИ ВА МЕЪЁРИЙ ЎҚУВ ЛУҒАТЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИГА ДОИР

ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ПЕРВЫХ ДВУЯЗЫЧНЫХ И НОРМАТИВНЫХ УЧЕБНЫХ СЛОВАРЕЙ НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

HISTORY OF CREATING FIRST BILINGUAL AND REGULATORY EDUCATIONAL DICTIONARIES IN UZBEK LANGUAGE

Баҳриддинова Башорат Маъдиевна

ҚарДУ ўзбек тилишунослиги каф. мудири, ф.ф.н.

Аннотация. Мақолада ўзбек ўқув лугатчилигининг шўро даври тараққиёти хусусида сўз боради. Бу даврда яратилган ўқув лугатлари, асосан, миллий мактабларда рус тилини ўргатиш учун хизмат қилган. Чор Россияси буюртмаси асосида яратилган дастлабки ўқув лугатлари зиммасига нафақат тил ўрганиши, балки миллатни, унинг маданиятини ўрганиши, XX аср ўрталарида яратилган лугатлар олдидан оммавий саводхонликни таъминлаш, тил ўргатишидан иборат соф ижтимоий-сиёсий вазифалар юкланган эди.

Таянч сўзлар: лугат, ўқув лугати, русча-ўзбекча лугат, ўзбекча-русча лугат, русча-сартча лугат, ўқув лугатчилиги, мактаб лугати, икки тилли лугат.

Аннотация. В статье идет речь о развитии советской эпохи узбекской учебной лексикографии. Слоги, созданные в этот период, служили в основном для преподавания русского языка в национальных школах. Оригинальные учебные словари, созданные по приказу царской России, были наделены чисто общественно-политическими задачами не только для изучения языка, но и для изучения нации, ее культуры, обеспечения массовой грамотности и языкового обучения в середине XX века.

Ключевые слова: словарь, учебный словарь, русско-узбекский словарь, узбекско-русский словарь, русско-сартинский словарь, учебный словарь, школьный словарь, двуязычный словарь.

Annotation. The article is about the development of the Soviet era of Uzbek educational dictionary. The educational dictionaries created during this period served mainly to teach Russian in national schools. The original educational dictionaries created on the orders of Tsarist Russia were entrusted with pure socio-political tasks not only to study the language but also to study the nation, its culture, to provide mass literacy and language training in the middle of the 20th century.

Key words: dictionary, educational dictionary, learning dictionary, russian-uzbek dictionary, uzbek-russian dictionary, russian-sartinian dictionary, educational dictionary, school dictionary, bilingual dictionary.

Ўзбек ўқув лексикографияси тараққиётида шўро даври ўқув луғатчилигининг ўрни муҳим. Маълумки, турли халқларда ўқув луғатчилигининг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳукмрон мафкура тилини ўргатиш эҳтиёжи билан боғлиқ бўлиб, улар дастлаб тил лексик сатҳини акс эттириш ҳамда тилнинг грамматик қурилишини тасвирлаш вазифасини бажарган луғат-грамматика кўринишида юзага келган. Кейинчалик она тили ва жаҳон тилларини ўқитиш зарурати ҳам уларнинг тараққий этишига туртки бўлган.

Ўзбек ўқув луғатчилигида русча-ўзбекча, ўзбекча-русча ўқув луғатларининг яратилишида икки давр фарқланади:

1) 1878 йилдан 1917 йилгача бўлган давр. Чор Россияси ҳукмронлиги даврида яратилган русча-сартча икки тили ўқув луғатлари;

2) Октябр тўнтаришидан XX аср охирларигача бўлган давр. Шўро ҳокимияти даврида яратилган русча-ўзбекча, ўзбекча-русча икки тилли ва ўзбек тилининг турли сатҳлари, адабий меъёрларини ўқитишга хизмат қилган бир тилли ўқув луғатлари.

Маълумки, XIX асрнинг охирларидан Чор Россиясининг Марказий Осиёни истило қилиш ва Туркистонни ўз мустамлакасига айлантириш ҳаракатлари бошланади. Бу эса, ўз-ўзидан, ерли аҳолининг рус тили, мустамлака остидаги халқларни бошқариш учун чор амалдорларининг ўзбек тилини тезкор ўрганиш заруриятини юзага келтиради. Туркология ва шарқшунослик фанларининг юзага келишига аслида ҳукмрон мафкуранинг тил сиёсати билан боғлиқ мақсадларини амалга ошириш эҳтиёжи сабаб бўлган эди. Ушбу даврга мансуб тилшунослик манбаларининг асосида ҳам ерли халқ тилининг сўзлашув учун муҳим бўлган лексик, грамматик диалектал, орфоэпик хусусиятлари ётган ва бу тадқиқотларнинг натижаси икки тилли қисқача таржима луғатлари, сўзлашгичлар, чўнтак луғатларининг тузилишига хизмат қилган.

Хусусан, А. Старчевскийнинг сўзлиги 13 минг ўзбекча сўздан иборат “Спутник русского человека в Средней Азии” (СПБ, 1878), “Переводчик с русского языка на сартовский” (СПБ, 1886), Ш. Ишаевнинг сўзлашув намуналари ҳам илова қилинганлиги билан характерланадиган “Краткий русско-сартовский и сартовско-русский словарь” (Тошкент, 1880), В.П. Наливкин ва М. Наливкиналарнинг 1894-1912 йиллар оралиғида бир неча марта қайта нашр этилган “Русско-сартовский и сартовско-русский словарь” (Қозон, 1894; Самарқанд, 1898; Тошкент, 1912), С. Лапиннинг “Карманный русско-узбекский словарь” (Самарқанд, 1899), Т. Кияс-Бековнинг “Словарь и элементарная грамматика сартовского языка” (1908), А. Ефимовнинг “Спутник русского врача по Средней Азии” (1909), Н. Смоленскийнинг “Полный карманный русско-сартовский словарь” (1912), М. Преображенскийнинг “Карманный русско-сартовский словарь” (1917) ва шу каби бошқа луғатларни келтириш мумкин.

Ишнинг иккинчи бобида кўриб ўтилганидек, антик ўқув луғати намуналари, одатда, ҳукмрон мафкура учун хизмат қилган ва кўп ҳолларда даврнинг таниқли шахслари, ҳокимият арбобларининг шахсий буюрмасига кўра яратилган. Чор ҳукумати буюртмаси асосида яратилган юқоридаги русча-сартча, сартча-русча луғатлар зиммасига нафақат тил

ўрганиш, балки миллатни, унинг маданияти, қизиқишлари, қадриятларини ўрганишдан иборат соф ижтимоий-сиёсий вазифа юкланган эди.

Луғатшунос А. Мадвалиев бу тоифадаги луғатларнинг тузувчилари аксарият ҳолларда чор офицерлари, миссионерлар бўлганини таъкидлайди. У ўз фикрига далил сифатида А. Старчевскийнинг “Спутник русского человека в Средней Азии” (Рус кишисининг Ўрта Осиёдаги ҳамроҳи) луғати сўзбошисида муаллиф томонидан айtilган қуйидаги изохни келтиради: “Биз Ўрта Осиёнинг ғарбий қисмини эгаллаганимизга деярли 12 йил бўлганига ва ... у ердаги бир неча миллатдан иборат мусулмон аҳолиси орасида аллақачон минглаб рус кишилари борлиги, Туркистон ўлкасига ҳар йили маҳаллий тилларни билмайдиган кўплаб ҳарбий амалдорлар, руҳонийлар, савдогарлар, фабрикант ва саноатчилар юборилаётганига қарамай, бизда ҳозиргача бу ўлкага келаётганлар биронта сўзлашув китоби, биронта қўлланма мавжуд эмас. Ерли халқ орасида яшаб туриб, атрофингдаги одамлар нима ҳақида гапираётгани ҳақида биронта ҳам сўзни тушунмаслик ачинарли ҳолдир... Рус кишисига, у ким ва қандай амалда бўлмасин, бизнинг Туркистонимизда ва унга қўшни мамлакатларда амалда бўлган тиллар билан танишиш мақсадида ... шу тилларнинг бир қадар тўлиқроқ луғатларини туздик” [1, 179].

Шунингдек, тилшунос С.Нормаматов ҳам бу даврда яратилган луғатларнинг мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилганини тасдиқлайди: “XIX аср ва XX бошларида яратилган, яъни кейинги давр луғатчилиги Ўрта Осиёни забт этиш эҳтиёжига бўйсундирилган луғатчилик бўлган. Будагов, Радлов, Мелиоранский ва бошқа йирик олимларнинг туркий тилларни ўрганишни назарда тутишдан ҳам кўра, кўпроқ халқни ўрганишни, босиб олишга хизмат қилишда қўл келадиган луғатлар тузиш орқали уларни қарам қилишни назарда тутган ҳолда фаолият кўрсатганлари маълум. Остроумов, Пантусов, Наливкин, Наливкина, Терентьев каби шахслар томонидан тузилган кўпгина таржима луғатлари шу эҳтиёжни қондиришга хизмат қилган, дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, XX асрнинг биринчи чорагида яратилган (Ўзбекистонда) асосий луғатлар таржима луғатлари характерида бўлганлиги ҳам шу сабабдир” [2, 114].

Хуллас, Октябрь тўнтаришига қадар яратилган луғатлар соф мафкуравий мақсадлар учун хизмат қилганлиги билан характерланади. Асосида тил ўргатишдан иборат амалий мақсад ётганлиги учун бу босқичга мансуб луғатлар соф лексикографик маҳсулот эмас, балки жаҳон ўқув луғатчилигида кузатилгани каби луғат-грамматика, луғат-дарслик характерида эга эди.

Бу даврда чоризм манфаатлари учун бўйсундирилган луғатлар билан бирга, жаҳидларнинг миллатни маърифатли қилиш, сиёсий онгини ўстириш, тил ўрганиш орқали дунёқарашини кенгайтириш учун хизмат қилган луғатлари ҳам юзага келади. Жаҳид маърифатпарварларининг луғатчилик фаолиятини тадқиқ қилган С.Нормаматов жаҳидчиликни ўзбек тилшунослигини ва унинг таркибий қисми бўлган луғатчиликни юзага келтирган оқим деб ҳисоблайди. У бу даврда яратилган умумфилологик характердаги турли таржима луғатлари қаторида маорифдаги янгича ўқитиш тизимида таълимий эҳтиёж туфайли ўқув луғатларининг ҳам яратилганлиги ва шу асосда ўқув луғатчилигининг шакллана бошлаганлигини таъкидлайди [2].

Лексикограф А.Мадвалиев “Айни ўша даврда – чор Россияси мустамлакачилиги даврида тузилган ва Туркистонни ўзлаштириш ишига ҳисса қўшган русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар билан бир қаторда маҳаллий муаллифларнинг – янгича фикрловчи ўқимишли зиёлиларнинг таълимий-маърифий мақсадларни кўзлаб яратган, ушбу соҳадаги азалий анъаналарни давом эттирган икки тилли ва кўп тилли луғатлари ҳам дунёга” [1, 159-160] келганини таъкидлаб, бунга мисол сифатида жаҳид маърифатпарварларидан Исҳоқхон Ибратнинг “Луғоти ситта алсина” ва Салоҳиддин Тошкандийнинг “Луғати салос” номли таълимий мақсадда яратилган луғатларини келтиради.

Маълумки, XIX асрнинг 90-йилларидан XX асрнинг 30-йилларига қадар фаол ҳаракат олиб борган жаҳидлар ўзбек халқининг ижтимоий-сиёсий, маънавий юксалишида муҳим роль ўйнаган. Хусусан, XIX аср охири ва XX аср бошида яшаб ижод этган Маҳмудхўжа Бехбудий,

Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулда Қодирӣ, Абдулла Авлоний, Ашурали Зоҳирӣ, Абдулҳамид Чўлпон, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, Абдурауф Фитрат, Исҳоқхон Ибротларнинг миллат тараққиётидаги хизматлари таҳсинга лойиқ.

Исҳоқхон Ибротнинг 1901 йилда Тошкентда нашр этилган “Луғоти ситта алсина” (“Олти тил сўзлари”) луғати А. Мадвалиев таъкидлаганидек, том маънода ўқув луғати тоифасига мансуб луғат эди. Иброт ўз даврининг етук зиёлиси, миллатпарвар адиб сифатида она халқини жаҳон маданияти, илғор фан ва техника ютуқлари, янгиликлари билан таништириш мақсадида ниҳояда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур луғатни тузиб чиқади. Луғат манбаларда “Сарт тили луғати” ҳам деб юритилиб (3, 298), унда феъл, от, сифат, сон ва олмош туркумларига оид 1035 та сартча (ўзбекча) сўзнинг давр учун муҳим аҳамиятга эга бўлган рус, араб, форс, турк, ҳинд тилларига таржимаси (муқобили) берилган.

“Луғоти ситта алсина” шарқ ва ғарб луғатчилиги тамойилларини ўзида мужассамлаштирган, лингвомаданий характерга эгаллиги билан ажралиб туради. У аслида кенг ўқувчилар оммаси учун мўлжалланган, муаллиф уни “саёҳатчилар учун сўзлашгич” деб характерлайди. Луғатнинг кўптилли эканлиги унинг, ҳақиқатдан ҳам савдо мақсади билан яратилганлигини тасдиқлайди. Муаллиф фойдаланувчилар учун қулай бўлишини ҳисобга олиб, сўзликни жойлаштиришда лексикографиядаги энг илғор ва самарали усул бўлган идеографик усулни қўллайди. Луғат ҳажман кичик, у жами 53 бетдан иборат.

Шунингдек, Салоҳиддин Тошкандийнинг 1909 йилда яратилган “Луғати салос” деб номланган уч тилли – арабча-форсча-туркча луғати ҳам ўз даврида таълимий мақсадда яратилган луғатлардан экани билан характерланади. Мазкур луғат устида махсус тадқиқот олиб борган С. Ғофурова уни асосли равишда ўзбек тилидаги илк ўқув луғати деб атайди: “Муаллиф ўз асарини мактаб ўқитувчилари, ўқувчилари ва талабаларга мўлжаллаб ёзганлиги сабабли уни шеърӣ усулда яратган. Дарҳақиқат, ёдлаб олинган ҳар қандай матн хотирада узоқ сақланади ва тил ўрганишни осонлаштиради. Шу жиҳатдан асарни илк ўқув луғатларидан бири деб ҳисоблаш мумкин” [4, 84-86].

Луғат маснавий жанрида ёзилган, 505 байт, 1010 мисрадан иборат. Унда жами 3432 сўз берилган, шулардан 1305 таси арабча, 971 таси форсча ва 1156 таси туркча сўзлар. Бундан ташқари, китоб ҳошияларида ҳам айрим парчалар, мисоллар, изоҳ ва тўлдиришлар ҳам мавжудки, улар билан луғатдаги сўзлар миқдори анча кўпаяди.

Луғат анъанавий ўқув луғатлари каби ихчам, умумий ҳажми 51 саҳифани ташкил қилади. У 6 боб, 35 фаслга бўлинган, ҳар бир боб ва унинг ичидаги фасллар муайян мавзу ва мавзучалардан иборат. 1-боб одам ва у билан боғлиқ тушунча номлари, 2-боб ҳайвонот дунёси ва ҳк.

Тадқиқотчи С.Ғофурованинг таъкидлашича, “Луғоти салос”, аввало, илмий-педагогик асар. У ўқувчилар ва толибул илмларга мўлжалланган бўлиб, муаллиф унда тез ва осон ўзлаштиришнинг турли йўлларида фойдаланишга ҳаракат қилган. Масалан, ҳар бир сўзнинг қайси тилга мансублигини кўрсатиш учун унинг устига махсус ишора (белги) қўйган: арабчага а (ع), форсчага – ф (ف), туркча (ўзбекча)га – т (ت) ҳарфларини қизил рангдаги сиёҳ билан ёзиб қўйган. Бу ҳақда луғатда шундай дейилган:

*Арабга айн (ع) ишорат, форсига – фо (ف),
Эрур устинда ҳар лафз турк эса то (ت). (5)*

Юқорида қайд қилганимиздек, муаллиф сўзларнинг қайси тилга мансублигини кўрсатиш учун махсус ишоралардан фойдаланган:

а т ф а т
Зақан – энгак – занак – габгаб – сақоқдур,
а ф т
Унуф – гардон – буюн сунн ҳаққа келтур.

Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, жаҳон ўқув лексикографиясида кузатилгани каби XIX асрнинг бошларидаёқ ўзбек тилида ҳам замонавий типдаги ўқув луғатларининг илк кўринишлари пайдо бўлган эди.

Миллатнинг энг асосий белгиларидан бўлган тил масаласига жадидлар алоҳида эътибор қаратишади. Уларнинг аксарияти, хусусан, А. Авлоний, А. Қодирий, А. Зоҳирий, Ибрат кабилар миллий тил софлигини таъминлаш, уни бой имкониятларини юзага чиқариш билан бирга, дунё тилларини ҳам чуқур ўзлаштириш масаласига жиддий қарайдилар. Абдулла Авлонийнинг “Хар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, Ашурали Зоҳирийнинг “Қачонки, бир миллат тилини йўқотса, у ўз динини ва миллатини йўқотур”, Бехбудийнинг “Агар тил ва адабиётимизни муҳофаза қилмай, анга ажнабий луғат ва сўзларни кўша берсак, бир оз замонада тил ва миллатимизни йўқотурмиз. Миллатимизни йўқотганда диёнатимиз ўз-ўзи ила албатта, йўқолур... Бас, бизга тилимизни ажнабий сўзлардан муҳофаза қилмоқлик энг биринчи муҳим бир вазифадур” каби фикрлари бугунги кунда ҳам ўз таъсирини йўқотмаган.

Октябр тўнтаришидан кейинги давр – Шўро даврида ўқув луғатчилиги сифат жиҳатидан бир мунча юқорига кўтарилди. Бу даврда Буюк Британия, АҚШ, Германия, Россия каби мамлакатларда ҳам ўқув лексикографияси янги босқичга кўтарилди. Ўқув луғатларининг мақсади, вазифаси, муаммолари ойдинлашади. Ўқув луғатларининг фақат ҳукмрон тилни ўқитиш учун хизмат қилган икки тилли кўринишлари эмас, балки она тилини ўқитишга хизмат қиладиган бир тилли луғатлар ҳам пайдо бўла бошлайди. Рус олими Б.Бриловнинг 1925 йилда номланишидаёқ мактаб дарслигига ёрдамчи восита эканлиги ақс этган “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун русча-ўзбекча луғат”и шу даврда яратилган, мақсади аниқ белгиланган замонавий ўқув луғатларининг илк кўринишларидан эди.

Таниқли ўзбек маърифатпарвари Шокиржон Раҳимий (1898–1938) усули жадид мактаблари ва турли ўқув юртлари учун ёзилган ўзбек тилидаги биринчи алифбе дарслиги – “Совға” (1919), шунингдек, “Она тили” (1918, Фитрат ва Қ. Рамазон билан ҳамкорликда), “Катталарга ўқиш” (1920), “Алифбе дарслиги” (1922), “Катталар йўлдоши” (1924), “Катталар алифбеси” (1927), “Савод” (1930), “Ўзбек тили. Иш китоби” (1932) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифидир [6]

Ҳожи Муиннинг қайд этишича, “Катталар йўлдоши” дарслиги “Саводсиз катта кишилар учун 24 йилда “марказ саводсизликни битирув фавқулудда комиссияси” томонидан 15 минг дона босилгон. ... икки йил ичида тузатилиб, тўрт дафъа босилиб чиққан” [7, 91], араб ёзувидан кирил алифбосига ўтиш даврида кенг халқ оммасига беминнат хизмат қилган. “Дарҳақиқат, ўша йилларда бошланғич синф мактаб ўқувчилари саводини чиқариш баробарида, жамиятдаги катта ёш авлод вакиллари орасида ҳам саводхонликни таъминлаш кун тартибидаги долзарб масалалар қаторида турган. Шу мақсадда Марказ саводсизликни битирув фавқулудда комиссияси тузилган ва мазкур комиссиянинг кўсатмасига асосан катта ёшдаги кишиларга мўлжалланган дарсликлар ҳам тузилган. Бироқ бу дарслик ёки қўлланмаларни катта ёшдаги одамларнинг ўзлаштириб олиши, унинг луғат таркибидаги изохталаб бирликлар (сўзлар) туфайли маълум қийинчиликлар туғдирганлиги маълум бўлиб қолган” [2, 216].

В. Брилов луғати мазкур дарсликка ёрдамчи восита сифатида юзага келади. Муаллиф луғатни тузишдан кўзланган асосий мақсадни куйидагича тавсифлайди: “...Бугунги кундаги кўпгина мактаб ва ўқув курсларида Шокиржон Раҳимийнинг ўзбек тилидаги “Катталар йўлдоши” асари дарслик сифатида киритилган. Дарсликдаги мавзуларни ўзлаштиришни осонлаштириш ҳамда ўзга миллат вакиллариининг дарсликни тушунишларидаги қулайликни эътиборга олиб янги имлода (кирил алифбосида – С.Н.) мазкур луғат тузилди. Дарс жараёнида тушунилиши қийин бўлган сўзларни луғатлардан излаш кўп вақт талаб қиладди ва бу ўқувчи фикрини чалғитади. Луғат одатдаги алфавит тартибида эмас, балки ҳар бир мавзу якуни бўйича тартиб берилди... [8, 2]. Кўринадики, луғат – мавзуй ўқув луғати” [2, 217].

Луғат, ҳақиқатан ҳам ўз даврида катта таълимий мақсадни амалга оширган том маънодаги ўқув луғати эди. Ўз олдига қўйган мақсади, таълим жараёнига хосланганлиги, сўз

танлаш мезони, сўзлик қамрови, луғат мақолаларнинг тузилиши, изоҳларнинг содда ва тушунарлилиги билан шу даврда яратилган луғатлардан ажралиб турган.

Тадқиқотчи С. Нормаматов В. Бриловнинг “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун русча-ўзбекча луғат”ини характерлар экан, хулосаларини куйидаги тарзда баён этади: “луғат гарчи, таржима луғати сифатида номланган бўлса-да, ўша даврда умумфилологик характерда яратилган бошқа ўзбекча-русча, русча-ўзбекча таржима луғатларидан ўз мақсади нуктаи назаридан тубдан фарқ қилади. Чунки луғат ўзбек ёки рус тилини ўрганувчилар учун тузилган оддий сўзлашгич эмас, балки унда асосан таълимий мақсаднинг устуворлиги назарда тутилган; луғатга жадидчилик давридаги ўзбек педагогик тизимида таълимнинг ёрдамчи воситалари силсиласини яратиш тенденциясини бошлаб берган илк ишлардан бири сифатида қараш мумкин.

Чунки мазкур луғат сўзлиги тўғридан-тўғри “Катталар йўлдоши” дарслиги асосида алфавит тарзида тузилмай, мавзулаштирилган ҳолда, яъни ҳар бир янги мавзу якунида тушунилиши қийин бўлган сўзларни алфавит тартибидаги таржимасини ўз ичига олган. Бу эса луғатнинг ўша даврда дарслик мавзуларини ўзлаштиришда ёрдамчи восита сифатида дарсликка мослаштирилган, ўқув жараёни билан алоқадор илк ўқув луғати эканлигини ҳам характерлайди” [2, 221].

Ўзбек тилида мактаб дастур ва дарсликлари мувофиқ яратилган замонавий ўқув луғати сифатида Е.Д.Поливановнинг 1926 йилда Тошкентда нашр этилган “Краткий русско-узбекский словарь” (“Қисқача русча-ўзбекча луғати”)ини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Маълумки, Е.Д.Поливанов XX асрнинг 20-йилларида Тошкентда яшаб, Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да ишлайди. Қисқа муддатли фаолиятида олим ўзбек ёзуви, имло, алифбо масалалари доирасида катта ишларни амалга оширади. Унинг “Краткий русско-узбекский словарь”и ҳам шу даврда яратилади. Бу луғат нафақат ўзбек ўқув луғатчилиги тарихида, балки рус ўқув луғатчилиги тарихида ҳам ўзига хос ўринга эга. Сабаби ҳатто рус лексикографиясида ҳам шу даврга қадар яратилган бу тоифага мансуб луғатларга нисбатан мактаб луғати (школьный словарь) сифатида қаралар ва бундай луғатлар таълимнинг фақат мактаб босқичи учун яратилар эди. Ўқув лексикографиясининг асосий объекти номи бўлган “ўқув луғати” терминидан илк марта муаллифнинг луғатга ёзган сўзбошисида фойдаланилади.

Бу фикрни рус ўқув луғатлари типлари устида изланишлар олиб борган М.А. Скопина ҳам тасдиқлайди. (9, 58-70) Е.Д. Поливанов ўз луғатини характерлар экан, унинг ихчамлиги, мактаб дарсликларида учрайдиган энг зарур тушунчаларни қамраб олгани хусусида тўхталади ва уни “ўқув луғати” (учебный словарь) дейиш мумкин дейди [10, 3]. Ушбу давр, аввалги бўлимларда айтиб ўтилганидек, зиммасига катта ижтимоий-сиёсий буюртма юкланган рус ўқув лексикографияси тараккиётида энг муҳим давр бўлса-да, шу вақтга қадар “ўқув луғати” термини ҳали манбаларда учрамаган эди. Шундан кейин яратилган луғатларда “ўқув” сўзининг қўшилиши анъанага айланади ва бу тоифага мансуб луғатлар қамрови кенгайди. Аниқроғи, фақат мактаб учун эмас, балки узлуксиз таълимнинг турли бўғинлари учун мўлжаллаб яратилган ҳар қандай луғат ўқув луғати деб юритила бошлайди.

Луғат соф ўқув луғати тоифасига мансуб, қурилиши, сўзликнинг танланиши, ҳажми ва бошқа параметрлари билан ўқув лексикографияси талабларига тўла жавоб бера оларди. “Краткий русско-узбекский словарь” фойдаланувчиларнинг билим даражасидан келиб чиқиб, ҳажман чегараланган – улар нутқида энг фаол ишлатиладиган 4.5 минг русча сўзни қамраб олган илк русча-ўзбекча луғат эди.

Ўзбек зиёлилари орасидан илк русча-ўзбекча таржима луғати маърифатпарвар жадид адиби Ашурали Зоҳирий томонидан яратилади. Икки жилддан иборат мазкур луғат “Русча-ўзбекча мукамал луғат” деб номланиб, 1927 йилда Тошкентда нашр этилади. Луғат ўқув мақсадида яратилгани, ўқув луғатчилиги мезонларига амал қилингани билан Е.Д. Поливанов луғатига яқин туради. Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик меросини ўрганган олим Т. Тоғаевнинг фикрича, муаллиф ушбу луғатни яратишда Султон Раҳмонқули ва Абдурахмон Карамларнинг 1920 йилда Қозонда нашр этилган “Русча-татарча мукамал

луғат”ига асосланган, луғатни тузишда мазкур луғат сўзлигидан фойдаланган, аниқроғи, луғатнинг фақат ўнг тарафи билан ишлаган, татарча сўзларни ўзбек тилига ўгирган[11, 87].

Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча мукамал луғат”и 34 минг сўзни қамраб олган, ўз даврида тил лексик қатламига катта тезликда кириб келаётган русча ўзлашмаларни луғатларда қайд этиш, маъносини изоҳлаш, уларнинг талаффузи ва ёзилишини белгилашда муҳим ўқув воситаси вазифасини ўтади.

Шунингдек, К.К. Юдахиннинг ўзбек адабий тилига асосланган 9 минг сўздан иборат сўзликка эга араб ёзувидаги биринчи ўзбекча-русча луғати “Узбекско-русский краткий словарь” (Тошкент, 1927) ҳамда У. Аҳмаджонов ва Б. Илёзовнинг лотин ёзувидаги “Ўзбекча-русча луғат”лари (Тошкент, 1931) ҳам ўз даврида ўқув мақсадларини кўзлагани билан характерли эди.

Бу даврга мансуб ўқув воситалари орасида 1934 йилда С. Раҳматий ва А. Қодирий томонидан яратилган “Русча-ўзбекча тўла сўзлик” алоҳида ажралиб туради. Луғат икки жилддан иборат, 2-жилди 24 минг русча сўзни ўзбек тилида таржимасини берган. Манбаларда қайд этилишича, луғатнинг 1-жилди нашр этилмаган, умуман унинг тузилган ёки тузилмагани ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Мазкур луғат таркиби, сўз танлаш принциплари, сўзларнинг маъновий, услубий, грамматик тавсифи, луғат мақолаларининг мазмуни жиҳатдан ўша даврда яратилган бошқа луғатлардан анча мукамаллиги билан характерланади.

Луғат аслида икки тилли таржима луғати бўлса-да, анъанавий ўқув луғатлари каби унда ўрни билан лексикографик изоҳлар ҳам учрайди: муайян сўзнинг ўзбек тилидаги таржимаси шунчаки бериб борилмайди, балки сўз маъносини адабий тилда изоҳлаш билан бирга маҳаллий шевалар, халқ тилидаги вариантлар ҳам берилади. Айрим сўзларнинг маънодошлари, антонимлари ҳам келтирилади, изоҳлар ўрни билан фразеологик бирикмалар, иборалар билан тўлдирилади. Кўп маъноли сўзларнинг кўчма маънолари ҳам изоҳланиб, мисоллар келтирилади. Шунингдек, луғатда муаллиф сўзнинг маъноси ва тузилишини ёритишда ўзбек тилида илк марта лексикографик пометалар (белгилар, ишоралар)дан ҳам фойдаланади.

Ўзбек жадидларнинг луғатчиликка доир фаолиятини ўрганган С. Нормаматов луғат ҳақида тўхталар экан, муаллифларнинг луғатни тузишда она тили – ўзбек тилининг ички имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилгани, русча сўзлар таржимасида кўпроқ умумхалқ сўзларидан фойдалангани, бу эса луғат тилининг содда, тушунарли бўлишига олиб келганини таъкидлайди[2, 132]. Бироқ докторлик диссертациясининг “Дастлабки ўқув луғатларининг вужудга келиши” деб номланган бандида айнан мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган дарслик ва қўлланмаларга ёрдамчи восита сифатида яратилган ўқув луғати сифатида фақат В. Бриловнинг 1925 йилда нашр этилган “Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун русча-ўзбекча луғат”ини тилга олади, бу давргача ана шундай луғат умуман яратилмаганлигини таъкидлайди.

С. Нормаматовнинг тадқиқот объекти ўзбек жадид вакилларининг луғатчилик фаолияти бўлганлиги боис тадқиқотчи ўзбек жадид вакилларининг луғатчилик фаолияти шаклланишига ўрта аср луғатчилигига оид, юқорида қайд этилган асарлар билан бир қаторда, XIX асрнинг бошларидан эътиборан ёвуз ният – Ўрта Осиёни босиб олиш нияти эҳтиёжи асосида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яратилган айрим луғатлар илмий манба вазифасини ўтаганини таъкидласа-да, юқоридаги луғатлар, хусусан, Ибрат, Тошкандий, Ашурали Зоҳирий, А. Қодирий ва С. Раҳматийнинг луғатига шу нуктаи назардан ёндашмайди.

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб, лексикография йўналишлари кенгайди. Ўзбек тилида луғатларнинг янги турлари пайдо бўла бошлади. Турли изоҳли луғатлар, меъёрий луғатлар, терминологик луғатлар, лексик қатламлар луғатлари – омонимлар, синонимлар, антонимлар, фразеологизмлар луғати, шунингдек, турли грамматик характердаги луғатлар юзага келди. Фақат русча-ўзбекча эмас, балки инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча, немисча-

Ўзбекча, форсча-ўзбекча ва ҳоказо луғатлар нашр этилди. Лексикографияда умумий ва махсус луғатлар фарқланди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейин ҳам миллий мактабларда рус тилини ўргатиш мақсадида русча-ўзбекча ўқув луғатларини яратишга катта эътибор қаратилди. Ўзбек тилида миллий мактабларда айнан рус тилини ўқитишга мўлжалланган дарслик вазифасидаги луғатларга нисбатан “мактаб луғати” тушунчаси ишлатила бошлади [3, 296].

В.В. Решетовнинг 1935 йилда Тошкентда нашр этилган “Қисқача русча-ўзбекча луғат”ини шу даврда яратилган ўқув луғатларининг асл намунаси деб қараш мумкин. Ушбу луғат қарийб ярим аср вақт давомида мактабларда рус тилини ўргатишда муҳим восита вазифасини ўтади. Мазкур луғатнинг мактаб дарсликларида қўлланган 10 минг сўзни қамраб олган иккинчи нашри 1957 йилда Тошкентда “Ўқувпеддавнашр”, кейинги нашри 1972 йилда “Ўқитувчи” нашриёти томонидан катта тиражда чоп этилади. Ўқув лексикографияси талабларига мувофиқ мазкур луғат таркибидан асосий қисм – сўзликдан ташқари, географик номлар луғати ва рус тилининг мукамал грамматикаси ҳам жой олган.

Шунингдек, О. Азизов ва О. Усмоновнинг “Русча-ўзбекча луғат”и ҳам ўз даврида бир неча нашрига эга бўлган мактаб луғати тоифасига мансуб эди. Луғатнинг 1964 йил Тошкентда босилиб чиққан қайта ишланган сўнгги учинчи нашри ўзбек мактаб дарсликларида мавжуд 8 минг русча сўздан иборат сўзликка эга эди.

Умуман, шўро даврида ўзбек ўқув луғатчилиги сифат жиҳатидан бирмунча юқорига кўтарилди. Бу даврда яратилган ўқув луғатлари олдингиларидан ҳукмрон мафқуранинг улуғмиллатчилик, ягона тил сиёсати манфаатлари, даврнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёти талабларини қондириш мақсадида юзага келганлиги, мактаб дастур ва дарсликларига мослашгани, фойдаланувчиларнинг аниқлашгани, муқовасида “мактаб ўқувчилари учун”, “ўрта макталар учун” каби ёзувларнинг пайдо бўлгани, ҳажман чегаралангани, “ўқув луғати” деб номлани бошлангани ва бошқа белгилари билан ажралиб турган.

АДАБИЁТЛАР

1. Мадвалиев А. Ўзбек терминологияси ва лексикографияси масалалари. Тўплам. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. – 384 бет.
2. Нормаматов С.Э. Ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишида жаҳид маърифатпарварларининг ўрни. Филол.фан... фан доктори (DSc) дисс. – Т., 2019., 250 б.
3. Ўзбек тили лексикологияси. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Фан, 1981. 305 б. –298 б.
4. Гофурова С. Салоҳиддин Тошкандай ва унинг “Луғати салос” асари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 2-сон. 84-86-б.
5. Гофурова С. Ўзбек лексикографияси тарихида яратилган кўп тилли луғатлар ҳақида. <https://iscience.in.ua/arkhyv/21-22-iyulya-2016/fililigichni-1/2964-uzbek-2>
6. Маърифатпарварлар. Шокиржон Раҳимий. <http://shosh.uz/marifatparvarlar-shokirjon-rahimiy/>
7. Ҳожжи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2005., 91-бет
8. Брилов В. Шокиржон Раҳимийнинг “Катталар йўлдоши” дарслиги учун русча-ўзбекча луғат. – М., 1925.2-б.
9. Скопина М.А. Об одном существенном типологическом признаке учебного словаря //Теоретические основы разработки словарей учебного типа: Сб. научных трудов. / Подред. Н.М. Шанского, Е.А. Быстровой. – М: НИИОП АПН СССР, 1981. – С. 58-70.
10. Поливанов. Е.Д. Краткий русско-узбекский словарь. – Ташкент, 1926., 218 с. –С.3
11. Тогаев Т. Ашурали Зоҳирийнинг тилшунослик мероси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент, 2004. 87-б.

IKKINCHI TILNI O'RGANISH TADQIQOTLARIDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR

СОВРЕМЕННЫЕ ПОДХОДЫ В ИССЛЕДОВАНИЯХ
К ИЗУЧЕНИЮ ВТОРОГО ЯЗЫКА

MODERN APPROACHES TO LEARNING A SECOND LANGUAGE

*Achilova Risolat A'zamovna**BuxDU tabiiy yo'nalishlarda chet tili kaf. o'qit.,**Maxmurova Mavjuda Halimovna**BuxDU tabiiy yo'nalishlarda chet tili kaf. o'qit.*

Annotatsiya. Mazkur maqolada ikkinchi tilni egallash, uning xususiyatlari va Stiven Krashen g'oyalarining ikkinchi tilni egallash nazariyasida tutgan o'rni haqida fikr yuritilgan.

Tayanch so'zlar: ikkinchi til, tilshunoslik, his-tuyg'u, tilni egallash, gipoteza, o'rganish ongi, tarbiya, tahlil usullari, tilni egallash nazariyasi.

Аннотация. В данной статье обсуждается значение овладения вторым языком, его особенности и роль идей Стивена Крашена в теории овладения вторым языком.

Ключевые слова: второй язык, лингвистика, эмоция, овладение языком, гипотеза, обучение сознанию, образование, методы анализа, теория овладения языком.

Annotation. This article analyzes the role of second language learning, its features and the role of Stephen Krashen's ideas in the theory of second language learning.

Key words: second language, linguistics, emotion, language learning, hypothesis, learning consciousness, upbringing, methods of analysis, theory of language learning.

Kirish. Ikkinchi til insonning birinchi tiliga qo'shimcha ravishda o'rganilgan har qanday tilni anglatadi. Garchi konsepsiya ikkinchi tilni egallash deb nomlangan bo'lsa-da, u uchinchi, to'rtinchi yoki keyingi tillarni o'rganishni o'z ichiga oladi. Ikkinchi tilni bilish bu o'quvchilar o'sha til haqida nimani bilishini anglatadi. Qabul qilish atamasi aslida o'quv jarayonining befarqligini ta'kidlash uchun ishlatilgan, ammo so'nggi yillarda o'rganish va bilish ko'p jihatdan sinonimga aylangan. Ikkinchi tilni o'rganish (TT2) ikkinchi tilni o'rganish yoki – egallash jarayonini o'z ichiga oladi. Ikkinchi tilni egallash – jarayonni o'rganishga bag'ishlangan ilmiy intizom.

Ikkinchi tilni egallash sohasi amaliy tilshunoslik subyekti bo'lib, psixologiya va ta'lim kabi turli xil fanlardan ilmiy izlanish olib boradi. TT2 tadqiqotida asosiy mavzudagi so'zlar, o'quvchilar ishlatadigan til, faqatgina biladigan tillar va ular o'rganayotgan tillar orasidagi farqlarning natijasi emas, balki bu tilda to'liq til tizimidir. O'z huquqi, o'zining tizimli qoidalari bilan o'quvchilar maqsadli tilga duchor bo'lganidek, bu interval asta-sekin rivojlanadi. O'quvchilar o'zlarining yangi tillari xususiyatlariga ega bo'lishlari, hatto turli tillarda o'qigan o'quvchilar uchun ham, ular til bilimi bor-yo'qligidan qat'i nazar, doimiy ravishda birinchi o'rinda turadi.

Shu bilan birga, o'quvchilar biladigan tillar yangi o'rganish jarayoniga sezilarli ta'sir ko'rsatishi mumkin. Ushbu ta'sir tilni o'zlashtirish sifatida ma'lum. TT2ni qo'llashning asosiy omili o'quvchilar qabul qiladigan tilni kiritishdir. Tilshunos Stiven Krashen tomonidan ishlab chiqilgan kirish gipotezasi tilni o'rganish va til o'rganish (o'rganish-ta'lim berish) o'rtasidagi farqni keltirib chiqaradi chunki u o'rganish ongli ravishda amalga oshiriladi, va o'rganish ongli hisoblanadi. Ushbu gipotezaga ko'ra, ikkinchi tilni o'zlashtirish jarayoni birinchi tilni o'zlashtirib olish bilan bir xil. O'quv jarayoni ongli ravishda o'rganiladigan tilni o'rganadi va kiritadi. O'quvchilarning yangi tilga qanday ega bo'lishini o'rganish turli sohalarni qamrab oladi. Asosiy tilshunoslik tabiiy (tabiat), olingan (tarbiya) yoki ikkita atributdan iborat bo'lganligini isbotlash uchun yo'naltirilgan.